

## “Сифат гуруҳи” дарслари

✘ Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қарорига ҳамда Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга асосан Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ҳар бир кафедрада профессор-ўқитувчилар томонидан ҳар haftaда бир мартаба “сифат гуруҳи” дарслари ўтиб келинади. Тасдиқланган графикга асосан Назарий механика ва қурилиш механикаси кафедрасида 2019 йил 9-октябрь соат 15.30 да кафедра профессори Т.Мавлоновнинг календар режасига асосан “Назарий механика” фани бўйича 7-мартузага тайёргарлик тақдимоти бўлиб ўтди. Мартуза ассистентлар учун махорат мактаби десак муболағи бўлмайди. Шу куни Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедрасида ҳам қатор тақдимотлар бўлиб ўтди. Кафедра стажёр-ўқитувчи Ж.Мирзақобуловнинг календар режасига асосан “ГМ” факультети “Сув ресурсларини бошқариш” фани бўйича 7-амалий машғулотига тайёргарлик тақдимоти, ассистентлар А.Хамидовнинг ҳамда К.Шипиловаларнинг “Қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти” ва “Табиатни муҳофаза қилиш” фанлари бўйича амалий машғулотларига тайёргарлик тақдимотлари тингланди ва ижобий деб баҳоланди. “Сифат гуруҳи” дарслари ўқув йили давомида мунтазам олиб борилади ҳамда сифат комиссияси аъзолари томонидан баҳоланади.